

5A120304 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот
ушуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги 1-босқич
магистранти Абдурахманова Мутабар Хусан қизи

МАНБАЛАРНИ ТИЛГА КИРИТГАН ОЛИМ

Ўзбекистон Республикасида 2 та йирик шарқшунослик маркази мавжуд. Улардан бири Тошкент Давлат Шарқшунослик институти бўлса, иккинчиси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидир. Бу институт Ўрта Осиёда ягона шарқшунослик олий ўқув юрти бўлиб, қўшни мамлакатлар учун ҳам шарқшунослик фанининг турли соҳалари бўйича малакали мутахассислар етиштиради. Институтда араб, форс, ҳинд, хитой, япон, корейс ва бошқа шарқ тиллари ва адабиёти, шунингдек Марказий Осиё ва хорижий шарқ мамлакатларининг тарихи, маданияти, фалсафаси, иқтисоди, сиёсатшунослик каби фанлар ўқитилади.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ўзининг шарқ қўлёмалари хазинаси билан бутун дунёга машхур. Унда ўрта асрларда араб, форс, турк ва бошқа шарқ тилларида ёзилган қарийб 40 мингта асарни ўз ичига олувчи жами 18 мингта қўлёмза, шунингдек 3 мингдан зиёд вақф ҳужжатлари, ёрлиқлар ва бошқа ҳужжатлар сақланади. Институтда XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кўп йиллар давомида жаҳон илм фани тараққиётига катта ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари машхур Ўрта Осиёлик олимларнинг асарлари таржима қилинган, уларнинг илмий мероси чуқур ўрганилган. Бу ишларни амалга оширган олимлар, хусусан, У.И.Каримов, Б.Аҳмедов, П.Г.Булгаков, А.Ўринбоевнинг қилган илмий ишлари бутун дунёга машхур. Эндиликда уларнинг ишларини бир қатор ўзбек олимлари давом этдирмоқдалар. Ана шундай олимлардан бири машхур берунийшунос олим академик П.Г.Булгаковнинг шогирди Ш.С.Камолиддиндир.

Шамсиддин Сирожиддин ўғли Камолиддин 1955 йил 20 ноябрда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 1973 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат университети шарқ факультетига ўқишга кирди. Университетда ўқиш даврида, 1977 – 1979 йилларда Жазоир Халқ Демократик Республикасида таржимон бўлиб ишлади. 1980 йилда битириб, араб тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлди. Университет йўлланмаси билан у Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга кириб, илмий фаолият билан шуғуллана бошлади. 1983 – 1985 йилларда яна таржимон сифатида Ливия Араб Халқ Жамоҳириясида хизмат қилди. Шу билан бирга у илмий изланишини давом этдирди ва 1988 йилда “Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” асари Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихи бўйича муҳим манба” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва тарих фанлари номзоди илмий

даражасига эга бўлди. Бу ишнинг илмий аҳамияти шундан иборат эдики, унда илк бор тадқиқот объекти сифатида ислом маданияти тарихи танланган эди. Маълумки, совет даврида атеизм ҳукмронлик қилган эди ва халқимизнинг диний қадриятлари эътибордан четда қолиб келар эди. Ушбу диссертацияда IX – XII асрларда Ўрта Осиёда яшаган тарихчи олимлар, шоирлар ва адиблар, шунингдек диний уламолар, хусусан фикҳ, ҳадис, тафсир каби исломий фанларда фаолият олиб борган жами 1200 дан ортиқ олимлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Диссертация 1993 йилда Ўзбекистон ФА нинг “Фан” нашриётида нашр этилди¹. Бу китоб 1999 йилда кувайтлик шайх Абдулазиз ал-Баптин томонидан таъсис этилган “Имом ал-Бухорий авлодларига” номли ислом тадқиқотлари соҳасидаги халқаро мукофотга сазовор бўлди.

1990 йилда Ш.С.Камолиддин ўша даврдаги энг йирик илм фан маркази бўлган Москва ва Ленинград шаҳарларида СССР ФА Шарқшунослик институтининг докторантурасида илмий фаолиятини давом этдириб, 1993 йилда “IX – XIII асрларнинг араб тилидаги манбаларида Жанубий Суғд ва Тохаристон тарихий географияси” мавзуси бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва тарих фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Диссертацияда Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари (Жанубий Суғд), Тожикистон ва Афғонистоннинг шимолий қисми (Тохаристон) нинг шаҳарлари ва қаровон йўллари ҳақида араб тилидаги манбаларда келтирилган маълумотлар комплекс тарзда тадқиқ этилган. Унда араб тилидаги манбалардан ташқари илк ўрта асрларда форс, хитой, арман ва бошқа тилларда ёзилган манбалар, шунингдек археологик, нумизматик, эпиграфик ва этнографик маълумотлар ҳам кенг жалб этилган. Натижада мазкур минтақа тарихий географисига оид айрим ечилмаган масалалар ўз ечимини топди, кўп мунозарали масалаларга ойдинлик киритилди. Энг муҳими диссертацияда Ўрта Осиёда Турк ҳоконлиги даври тарихи ва қадимги туркларнинг минтақада тутган ўрни янгича ёндашув асосида ёритилди. Диссертация 1993 йилда “Ўзбекистон” нашриётида нашр этилди².

Шундан кейин Ш.С.Камолиддин бир неча йил араб мамлакатларида хизмат сафарида бўлиб, хусусан, 1994 – 1995 йилларда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридаги Жумъа ал-Можид қўлғезмалар марказида илмий ходим бўлиб ишлади. Сафардан қайтиб келгач, Тошкентдаги Ички ишлар Академияси, Давлат ва жамият қурилиши Академияси ва бошқа олий ўқув юртлирида кафедра мудирини ва профессор лавозимида ишлади. Шу билан бирга у IX – XIII аср бошларига мансуб араб, форс ва туркий тиллардаги манбаларда Ўрта Осиё тарихи ва тарихий географияси соҳасида илмий изланишларини давом этдирди. 2002 – 2005 йилларда у Ўзбекистон ФА Тарих институтида “Ўрта Осиё тарихий географисини” илмий лойиҳасига

¹ Ш.С.Камолиддинов. “Китаб ал-ансаб” Абу Са‘да ‘Абдалқарима ибн Муҳаммада ас-Сам‘ани қачан источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993.

² Ш.С.Камолиддинов. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – нач. XIII вв. Ташкент: Узбекистан, 1996.

рахбарлик қилди. Ушбу лойиҳа доирасида у Европанинг бир қанча кутубхоналарида илмий иш олиб боришга муяссар бўлди. Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Туркиянинг илмий марказларига бориб, уларнинг олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. 2004 – 2005 йилларда у Тошкент Давлат университетида, 2006 йилда эса Тошкент Давлат Педагогика университетида профессор лавозимида ишлади.

Ш.С.Камолиддиннинг навбатдаги муҳим илмий иши “Ўрта Осиёнинг қадимги туркий жой номлари” деб аталади. Бу китоб 2006 йилда Тошкентда “Шарқ” нашриётида нашр этилди³. Бу китобнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда илк бор Марказий Осиёнинг қадимги туркий жой номлари тадқиқ этилган. Шу вақтгача туркий жой номлари минтақада нисбатан кейинги даврларда, ўрта асрларда тарқалган деб ҳисобланар эди. Китобда илк ўрта асрларга мансуб араб ва форс тилидаги манбалар, шунингдек қадимги юнон, хитой, арман, византия ва бошқа тиллардаги манбаларда қайд этилган туркий жой номлари таҳлил этилган. Бу маълумотлар шундан далolat берадики, қадимги туркий жой номлари Ўрта Осиёда м.а. камида III – II асрлардан бошлаб тарқала бошлаган, VI – VII асрларга келиб эса уларнинг сони анча кўпайиб, шимолда Балқаш кўлидан жанубда Хуросон ва Ҳиндистоннинг шимоли, шарқда Шарқий Туркистондан ғарбда Каспий денгизигача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган. Бу эса туркий тилли халқларнинг бу ҳудудларда қадимдан яшаб келганлигидан далolat беради. 2010 йилда бу китоб инглиз тилига таржима қилиниб, Германиядаги “Lambert Academic Publishing” нашриётида нашр этилди.⁴

2007 йилдан бошлаб Ш.С.Камолиддин Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга у илмий изланишларини яна ҳам фаол равишда олиб бормоқда. Хусусан, у араб ва форс тилларидаги манбаларни таржима қилиш ва нашр этиш ишлари билан шуғулланиб келмоқда. 2006 йилда “Ўзбекистон” нашриётида XIII аср араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асарининг русча таржимаси илмий изоҳлар ва шарҳлар билан нашр этилди⁵. Бу таржиманинг асосий қисмини унинг устози П.Г.Булгаков амалга оширган эди. Лекин у бошлаган ишини охирига етказа олмасдан вафот этди. Ш.С.Камолиддин унинг ишини давом этдириб, охирига етказди ва китобни нашрдан чиқарди. Таржимага бой тарихий материал (тангалар, миниатюралар ва ҳ.к.) илова қилинган. 2012 йилда Ш.С.Камолиддин устози П.Г.Булгаковнинг сўнги нашр этилмаган фундаментал илмий ишини Германиядаги “Lambert Academic Publishing”

³ Ш.С.Камолиддин. Древнетюркская топонимия Средней Азии. Ташкент: Шарқ, 2006.

⁴ Shamsiddin Kamoliddin. Ancient Turkic Toponyms of the Middle Asia. Turkic Place-Names in Ancient and Medieval Textual Sources. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2010.

⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. Избранные отрывки / Перевод с арабского, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. Ташкент: Ўзбекистон, 2006.

нашриётида нашр этди⁶. Унда Абу Райхон Берунийнинг 17 та нашр этилган ва этилмаган асарларида инсон, ер ва фазо ҳақида айтиб ўтган фикр-мулоҳазалари жамланган ва шарҳланган.

2011 йилда “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриётида X аср араб географ олими Ибн Ҳавқалнинг “Сурат ал-ард” асарининг ўзбекча таржимаси илмий изоҳлар ва шарҳлар билан нашр этилди⁷. 2011 йилда Тошкентда SMI-ASIA нашриётида X аср тарихчиси Абу Жаъфар Наршахийнинг форс тилидаги “Бухоро тарихи” асарининг русча танқидий таржимаси илмий изоҳлар ва шарҳлар билан нашр этилди⁸.

2012 йилда Шимолий Афғонистонда топилган VIII асрга мансуб араб тилидаги ҳужжатлар илмий изоҳлар ва шарҳлар билан Германиядаги “Lambert Academic Publishing” нашриётида нашр этилди.⁹ Шу вақтгача Ўрта Осиёда араб тилида ёзилган энг қадимги ҳужжат Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатлари архивининг таркибидаги VIII аср бошларида араб тилида ёзилган мактуб эди. Энди янги топилган архив туфайли бундай ҳужжатларнинг сони яна 36 тага кўпайди. Архивнинг аниқ топилган ери маълум эмас. Лекин тахмин қилинишича, у Маймана шахри атрофларидан топилган. Шунинг учун уни шартли равишда Маймана архиви деб аташ мумкин. Унинг таркибидаги ҳужжатлар VIII асрнинг биринчи ярмига мансуб. Уларнинг асосий қисмини (32 та) маҳаллий ҳукмдорларнинг араб амирларига тўлаган солиқлари эвазига берилган гувоҳномалар ташкил этади. 4 та ҳужжат кулларнинг олди-сотди шартномаларидан иборат. 2014 йилда насафлик машҳур қомусий олим Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ан-Насафийнинг “ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд” аксаридаги тарихий-географик маълумотлар таҳлиliga бағишланган фундаментал тадқиқот нашр этилди¹⁰ Бу йил эса Ибн Ҳавқалнинг “Сурат ал-ард” асаридаги Каспий денгизи атрофларидаги халқлар ва мамлакатларга бағишланган қисмининг русча таржимаси нашрдан чиқди.¹¹ Бу йил яна “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” нашриётида IX аср араб тарихчиси ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асарининг ўзбекча таржимаси илмий изоҳлар ва шарҳлар билан нашр этилиши мўлжалланмоқда.

⁶ П.Г.Булгаков, Ш.С.Камолиддин. Вселенная, Земля и Человек в трудах Абу Райхана Беруни. Аналитический свод избранных тематических фрагментов из сочинений Абу Райхана Беруни. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012

⁷ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннахр / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2011.

⁸ Мухаммад ан-Наршахи. Та’рих-и Бухара. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю.Юсуповой. Перевод комментариев и примечания Ш.С.Камолиддина. Археолого-топографический комментарий Е.Г.Некрасовой. Ташкент: SMI-ASIA, 2011.

⁹ Ш.С.Камолиддин. Новые арабские документы из Тохаристана (первая четверть VIII в. н.э.). Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012.

¹⁰ Ш.С.Камолиддин. Новый источник по исторической географии Средней Азии. Новейшие исследования сочинения «ал-Канд фи зикр ‘улама’ Самарканд» Абу Хафс ‘Умар ибн Мухаммада ан-Насафи. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

¹¹ Ш.С.Камолиддин. Ибн Хаукал и его труд «Сурат ал-ард». Часть 1. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2017.

Булардан ташқари Ш.С.Камолиддин бошқа олимлар билан ҳамкорликда “Бухорода ислохот лойиҳаси”,¹² “Амир Темурнинг туркий ёрлиғи”¹³, “Бухородаги Арслонхон мадрасасининг вакфномаси”¹⁴ каби манбашуносликга оид китобларни нашр этган. Айниқса унинг шогирдлари билан бирга қилган ишлари диққатга сазовор. 2012 йилда Ш.С.Камолиддин бошчилигида магистратура талабаси Муҳайё Махмудованинг “Самарқанддаги Тамғачхон мадрасаси вакфномаси” мавзусидаги магистрлик диссертацияси асосида Баҳодир Мусаметов билан ҳамкорликда китоб нашр этилди¹⁵. 2017 йилда эса Баҳодир Мусаметовнинг “Исмоил Сомоний авлодларининг вакфномаси” мавзусидаги магистрлик диссертацияси асосида яна бир китоб нашр этилди.¹⁶ Ш.С.Камолиддин ўзининг манбашунослик соҳасидаги тадқиқотларида нафақат ёзма манбалар, балки бошқа манбалардан ҳам кенг фойдаланади. Хусусан, унинг тарихий хариталарга оид ишлари диққатга сазовор.¹⁷ Ўрта асрларда Европада нашр этилган бу хариталарнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, уларда “Ўзбекия” ва “Ўзбекистон” атамалари қайд этилган. Бу тадқиқотлар туфайли энди биз биламизки, “Ўзбекистон” атамаси 1924 йилда руслар томонидан ўйлаб топилмаган, балки тарихий асосга эга бўлиб, XVI – XVIII асрларда ёзма манбаларда ва хариталарда бутун Ўрта Осиё минтақасига нисбатан кенг қўлланилган.

Ш.С.Камолиддиннинг охириги йилларда олиб борган энг муҳим илмий ишларидан бири Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласидир. Унинг бу масалага бағишланган бир қатор мақолалари ва махсус монографияси рус ва инглиз тилларида нашр этилган.¹⁸ Бу тадқиқотларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, уларда Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин эгаллаган Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ғарбий турк хоқонларининг оиласи билан боғлиқ эканлиги исботланган. Бу эса ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

¹² Г.Остонова, Б.Маннонов, Ш.Камолиддин. Проект реформ в Бухаре. Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2015.

¹³ Г.Остонова, Б.Маннонов, Ш.Камолиддин. Жалованная грамота амира Тимура. Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2015.

¹⁴ Ш.С.Камолиддин, О.Д.Чехович. Тяжба о вакфе мадраса Арслан-хана в Бухаре. Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2015.

¹⁵ Ш.Камолиддин, М.Махмудова, Б.Мусаметов. Два вакфа Тамгач Бугра-хана в Самарканде. Вакфные документы XI века на мадраса и дом больных в Самарканде. Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012.

¹⁶ Ш.С.Камолиддин, Б.Мусаметов. Вакфные документы потомков Исмаила Самани. Текст. Перевод. Комментарии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2017.

¹⁷ Ш.С.Камолиддин. Две карты Средней Азии первой половины XVIII в. Новые источники по исторической этно-географии Средней Азии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012; Shamsiddin Kamoliddin. Two maps of Central Asia of the First Half of 18th Century. New Sources on the Historical Ethno-Geography of Central Asia. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012

¹⁸ Shamsiddin Kamoliddin. The Samanids. The First Local Islamic Dynasty of Central Asia. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2011 Ш.С.Камолиддин. Саманиды: Из истории государственности Узбекистана в IX – X вв. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012;

Ш.С.Камолиддин манбашунослик ва тарихий-география соҳаларида тадқиқотлар олиб бориш билан бирга турли мавзуларда илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилиб келмоқда. Хусусан, унинг Суғд тарихига бағишланган тўпламининг 3 та сони¹⁹, Чоч тарихига бағишланган тўпламининг 4 та сони²⁰, этногенез ва этник тарих масалаларига бағишланган тўпламининг 1 та сони нашрдан чиқди²¹.

Бундан ташқари Ш.С.Камолиддин ўзининг Ўрта Осиё тарихий географияси²², Ўрта осий топонимияси²³, Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи²⁴, туркий халқларнинг тарихи ва маданияти тарихи²⁵, Ўрта Осиёда илк ислом даври тарихи²⁶, Ўрта Осиёда фан ва маданият тарихи²⁷, Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги²⁸ масалалари бўйича ёзилган маволаларини алоҳида тўпламлар шаклида нашр этган.

Ш.С.Камолиддин ўзбек, рус, инглиз, араб, хитой, турк, венгер ва бошқа тилларда жами 400 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этган.

2010 йилдан бошлаб у The Islamic Manuscript Association (University of Cambridge, UK), 2012 йилдан эса The International Society of the Arabic Papyrology (University of Leiden, Holland) халқаро илмий жамиятларининг аъзосидир.

Ш.С.Камолиддин ҳозир ҳам ўзининг педагогик ва илмий фаолиятини фаол равишда олиб бормоқда. Охирги 3 йил ичида у “Қадимги туркларда

¹⁹ Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 1 – 3/ Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2013 – 2016.

²⁰ Проблемы древней и средневековой истории Чача. История. Археология. Нумизматика. Вып. 1 – 4 / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2013 – 2016.

²¹ Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии. Древность. Средние века. Новое время. / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2016.

²² Ш.С.Камолиддин. Исследования по исторической географии Средней Азии. Историко-культурные области. Города. Караванные пути. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2013.

²³ Ш.С.Камолиддин. Исследования по исторической топонимии Средней Азии. Топонимы. Топоформанты. Этимологии. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2013.

²⁴ Ш.С.Камолиддин. Исследования по этногенезу и этнической истории народов Средней Азии. Народы. Династии. Лица. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

²⁵ Ш.С.Камолиддин. Исследования по истории и истории культуры тюрков Средней Азии. Кочевники. Земледельцы. Горожане. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

²⁶ Ш.С.Камолиддин. Исследования по истории Средней Азии. Эпоха арабских завоеваний и раннего ислама. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

²⁷ Ш.С.Камолиддин. Исследования по истории науки и культуры Средней Азии. Историки. Филологи. Поэты. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

²⁸ Ш.С.Камолиддин. Исследования по источниковедению истории Средней Азии. Рукописи. Документы. Сочинения. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2014.

деҳқончилик ва шаҳарчилик маданияти” мавзуси бўйича илмий лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг 1-чи йилида у “Қадимги туркларда деҳқончилик ва боғдорчилик”²⁹, 2-чи йилида “Қадимги туркларда темирчилик ва ҳунармандчилик”³⁰ номли илмий монографияларни нашр этди. Жорий йилда у “Қадимги туркларда шаҳарсозлик ва архитектура” номли илмий монографияни нашр этишни мўлжаллаган.

²⁹ Ш.С.Камолиддин. Земледелие и садоводство у древних тюрков. Ташкент: Extremum Press, 2015.

³⁰ Ш.С.Камолиддин. Металлургия и ремесленное производство у древних тюрков. Ташкент: Extremum Press, 2016.